

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
“АНЪАНАВИЙ ИЖРОЧИЛИГИ” КАФЕДРАСИ

Ахадов Шерзод

МУҒУЛЧАИ НАВОНИНГ ИЖРО ТАЛҚИНЛАРИ

“5150600 – Вокал санъати (анъанавий хонандалик)” йўналиши

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Илмий-ижодий раҳбар:

Тошкент-2017

Мундарижа

КИРИШ	3
I. БОБ. НАВО МАҚОМИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА ИЖРОЧИЛИК УСЛУБЛАРИ	8
1.1. Наво мақомининг таркибий тузилмаси таҳлили	8
1.2. Наво мақомининг ижрочилик услублари	11
II БОБ. ИЖРО ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАНЛАНГАН АСАРЛАРНИНГ ТАВСИФИ	15
2.1. Наво мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбаларидан “Муғулчай Наво” туркумининг ижро услублари	15
2.2. Шашмақомнинг ашула ва чолғу бўлимлари ижрочилик хусусиятлари	30
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	35
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	38

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Халқимиз мустақилликка эришган қисқа тарихий давр ичида фарзандларимизни баркамол шахс бўлиб етишиши учун уларни юксак маънавият, миллий истиқлол ғояларига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

«Шу боисдан ҳам, - деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов, - ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айтилиб кетганда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди¹».

Шашмақом ўзбек-тожик халқлари орасида 18-асрнинг биринчи ярмида тарқалган бўлса, ҳозирги кунгача ўз мавқеини ўзининг жозибадорлигини йўқотмаган қадриятларимиздан биридир. Бундаги ҳар бир мақомнинг ичида катта-кичик куй ва ашула йўллари учрайди. Куй ва ашула йўллари маълум кетма-кетликда тартибланган. Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, ва Ирок мақомлари ўзларининг мустақил куй ва ашула йўлларига эга. Ашула йўллари яъни “Наср” қисми икки гуруҳдан, биринчи гуруҳ шўбалари ва иккинчи гуруҳ шўбаларидан иборат. Ашула бўлимининг биринчи гуруҳ шўбалари иккинчи гуруҳ шўбаларисиз тароналари билан яхлит ҳолда узмасдан ижро этилади. Орада узилиш бўлмаслиги учун “супориш” деб номланган ашула бўлагидан фойдаланилади. Баъзида тароналарнинг ўзлари ҳам супориш вазифасини бажаради. Супориш уланаётган ашуланинг доира усулида ижро этилади. Шунда ашулалар бир бирига узулишсиз ўтиб кетаверади.

Шашмақом ашула бўлимининг биринчи гуруҳ шўбалари Сарахбор деб номланган шўбалар билан бошланади. “Сарахбор” сўзи шашмақом билан бирга яратилган. Сарахборлар ҳар бир мақомнинг мазмунини билдиради. О. Матёкубовнинг ёзишича: “Сарахбор” деганда Талқин, Наср, Уфарлар қўшилиб,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б 77.

ашула йўлининг асосий ўзаги тушунилади. Устозлар баъзида Шашмақом ўзаги “Олти Сарахбор” деб юритганлар Гавриель Муллақандовнинг Шашмақомда айтиладиган шеърини дафтари (дастак)да Наво мақомининг охирида “ Шу ашулалар билан Сарахбори наво тамом бўлади”¹ жумласи келтирилган. Сарахборларнинг ижро этишда хофизларда кенг диапазон ва тажриба бўлиши керак. “Мақом усталаридан Борух Зиркиевнинг айтишича Сарахборлар ижроси ва уларни ўрганиш оғир бўлгани учун устозлар мақомларнинг бошқа шўбаларини ўргатиб кейин Сарахборларга ўтганлар”². Лирик кўринишдан сўнг Зафар маъносидан маъносини билдирадиган Наср шўбалари ижро этилади. Наср шўбалари Шашмақом таркибида энг кўп учрайдиган шўбалардан бўлиб улар ўн тўрттадир. Наср шўбалари орасида Ораз, Хусайний, Наврўзи Хоро, Наврўзи Ажам деб номланган машхур мақом йўллари ҳам учрайди. Шашмақом ашула бўлимининг биринчи гуруҳ шўбаларини шўх, энгил характердаги уфарлар ижро этилади. Уфарлар Шашмақомнинг ҳар бир мақомида учрайди. ”Хоразим мақомларида барча уфарлар тани мақомдан келиб чиқса, Шашмақомда талқин ёки насрларга боғланади”. Уфорлар Шашмақом ашула бўлимининг биринчи шўбаларини яқунловчи қисм бўлиб, бундан сўнг иккинчи гуруҳ шўбаларига ўтилмайди.

Мақомларнинг куй тузилмалари, лад асослари ва лад тизимининг асосий қисми бўлган намудлар назарясини биринчи бўлиб замонавий мусиқашуносларимиздан (1927-1982) Исҳоқ Ражабов ўз изланишларида исботлаб берди. Исҳоқ Ражабов ўз илмий изланишларида исботлаб берди. Исҳоқ Ражабов намудлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтганлар. Мақомларни ўрганувчилар учун Шўбалардаги намудларнинг номлари, Юнус Ражабий тўплаб нотага олган олти жилдлик “Шашмақом” китобидаги тактлар сони, бетлари кўрсатилган жадвал тузиб чиқди.

Шашмақом ашула бўлими иккинчи гуруҳ шўбалари Сафт ва мўғулчалар биринчи гуруҳ шўбаларига назира қилинган. Сафт, мўғулчалар,

¹ О. Матёкубов “Мақомот” 210 бет.

² И. Ражабов “Мақомлар” 213 бет.

талқинча, чапандоз, кашқарча, соқинома ва уфарлари яъни шахобчалари билан бирга бир туркум қилиб ижро этилади. Сафтлар Шашмақом ашула бўлимининг иккинчи гуруҳининг асосий шўбаларидан бўлиб, Сегоҳ ва Ироқ мақомларидан бошқа барчасида биттадан учтагача сафт йўллари учрайди. Сафтлар сарахбор, талқин, насларга “жавоб” сифатида бастакорлар томонидан яратилинган. Мўғулчалар ўзининг куй қиёфаси такт ўлчови ва усули билан сафтларга ўхшайди. ”Мўғулча номли шўбалар мўғуллар мусикасида машхур бўлган доира усулларига нисбат бўлса керак.”³ Мўғулчалар рост ва ироқ мақомларида учрамайди. Сафт ва мўғулчалардан сўнг талқинчалар ижро этилади. ”Талқинчадаги ча қўшимчаси кучайтириш учун эмас балки “талқинча-талқин усулига мансуб, деган маънода келади”⁴ Ундан сўнг кашқарча усулида ижро этиладиган ашула йўллари келади. Қашқарчада ҳам Сафт ва Мўғулчалардаги каби асосий шўбаларнинг куй йўли кашқарча усулида ижро этилади. Соқинома шариатдаги ғазаллар бўлиб, Соқиномалар шундай ғазалар билан айтилган ашула йўллари дир. Сафт ва Мўғулчалар ҳам Уфарлар билан яқунланади. Иккинчи гуруҳ шўбаларига но асосий бўлган шўбалар ҳам бор. Булар Бузрук мақомидан Ироаҳқи Бухоро, Рок Наво мақомида Мустахзоди Наво, Дугоҳ мақомида Қаландари Дугоҳ, Самандари Дугоҳ, Сарахбори дугоҳлар шулар жумласидандир.

Битирув малакавий иши мақсади. Наво мақомидан “Муғулчаи Наво” асари ижрочилик услубларини ўрганишнинг методик асосларини ишлаб чиқиш

Битирув малакавий иши вазифалари:

1. Наво мақомидан “Муғулчаи Наво” асари ижрочилик услубларини ўрганиш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш.

2. Наво мақомидан “Муғулчаи Наво” асари ижрочилик услубларини ўрганишнинг ўзбек халқ касбий мусикаси ижрочилик услублари билан боғлиқлиги жиҳатларини ёритиб бериш.

³ О. Матёкубов “Мақомот” 216 бет.

⁴ И. Ражабов Мақомлар 251 бет.

3. “Наво мақомидан “Муғулчаи Наво” асари ижрочилик услубларини ўрганишнинг ижро мазмунини аниқлаш, ижро дастури воситасида таълим олувчиларни ижрочилик маҳоратини ошириш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси ва қиёсий таҳлили. Сўнги йилларда Ўзбекистон телевиденияси ва радиёси қошидаги мақомчилар ансамблининг заҳмадкаш хонандаларидан - Ўзбекистон халқ хофизлари Журахон Султонов, О. Имомхўжаев, К. Исмоилова, Б. Давидова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист О. Алимахсумов, К. Мўминов, Ш. Эргашовлар, созандаликдан - О. Қосимов, М. Муҳаммедов, Й. Давидов, Т. Алиматов кабилар ёнма-ён туриб меҳнат қилдилар.

Мустақиллик даврида ўзбек чолғу ижрочилари санъатида бадиҳа услубидаги йўналиш пайдо бўлди. Мазкур йўналиш вакиллари - Ўзбекистон халқ артисти А. Исмоилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар - А. Абдурашидов, А. Холтожиев, Қ. Саидов , У. Бултуров ҳамкорликлари натижасида вужудга келди.

Бугунги кунда Ф.Н.Василев, С.М.Таҳалов, А.Одилов, А.Лутфуллаев, Р.Қосимов, Н.Шарипов, Ж.Расулбоев, О.Назаров, О.Тошматовлар ўзларининг илмий ишларида ижрочилик масалалари, услубиёт масалаларини ёритиб беришган.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги:

2. Наво мақомидан “Муғулчаи Наво” асари ижрочилик услубларини ўрганиш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиб чиқилди, таҳлил қилинди.

2. Наво мақомидан “Муғулчаи Наво” асари ижрочилик услубларини ўрганишнинг ўзбек халқ касбий мусиқаси ижрочилик услублари билан боғлиқлиги жиҳатларини ёритиб берилди.

3. “Наво мақомидан “Муғулчаи Наво” асари ижрочилик услубларини ўрганишнинг ижро мазмунини аниқлаш, ижро дастури воситасида таълим олувчиларни ижрочилик маҳоратини ошириш услублари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот объекти. “Наво мақомидан “Муғулчаи Наво” асари ижрочилик услубларини ўрганиш жараёни.

Тадқиқот предмети. “Наво мақомидан “Муғулчаи Наво” асари ижрочилик услубларини ўрганиш мазмуни ва методикаси.

Битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти: Шашмақом туркумлари, унинг тарихийлиги, ижро услублари, уларни ўзлаштириш бўйича тадқиқот ишлари ўрганилди ҳамда таҳлил қилинди. “Наво мақомидан “Муғулчаи Наво” асари ижрочилик услубларини таҳлил қилиш орқали таълим олувчиларнинг ижро маҳоратини оширишдаги ўрни ва аҳамияти белгилаб берилди.

“Наво мақомидан “Муғулчаи Наво” асари ижрочилик услубларини ўрганиш жараёнида таълим олувчиларнинг ижро маҳоратини оширишнинг мазмуни, шакл, методлари ҳамда педагогик-психологик хусусиятлари аниқланди.

Тадқиқот натижаларидан “Наво мақомидан “Муғулчаи Наво” асари ижрочилик услубларини ўрганиш бўйича таълим муассасаларида машғулотларини ташкил қилишда маърузалар матни сифатида, шунингдек, таълим муассасаларида ижрочилик бўйича ўқув, эстетик, ахлоқий-маънавий тарбия ишларини олиб бориш жараёнида ҳамда концерт ижрочилиги ишларни ташкил этишда кенг фойдаланиш мумкин.

I. БОБ. НАВО МАҚОМИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА ИЖРОЧИЛИК УСЛУБЛАРИ

1.1. Наво мақомининг таркибий тузилмаси таҳлили

«Наво» мақоми - «Шашмақом» таркибидаги учинчи мақом саналиб, унинг тарихи ҳам ўтмиш замонларга бориб тақалади. «Наво» атамаси арабча сўз бўлиб, ёқимли куй, оханг деган маънони англатади. Буюк бобомиз Алишер Навоий ҳам ўз тахаллусини шу атамага монанд куллаган бўлиб, «Наво чекувчи, куйловчи» маъноларини англатган. Утмиш мусика рисоаларида Наво мақоми Нагмаий Довудий, яъни Довуд пайгамбар куйи деб ҳам аталади. Ун икки мақомда наво мақоми иккинчи чолгу ва ашула булимларидан иборат. Ашула булими, биринчи ва иккинчи гурух шўъбаларидан таркиб топган.

Наво мақоми саккизта чолгу кисмига эга бўлиб, Таснифи Наво, Таржеи Наво, Гар- дуни Наво, Нагмаи Орази Наво, Мухаммаси Наво, Мухаммаси Баёт, Мухаммаси Хусай- ний, Сакили Наво деб номланади. Тасниф - мақомнинг бош куйи, Таржех - кайтарма оханглардан иборат куй, Г ардун, Мухаммас ва Сакил иборалари дойра усулларининг ифо- дасидир. Шунингдек, Нагмаи Орази Наво, Хусайний бастакорнинг тахаллусларига нисба- тан берилган атама саналади.

Навонинг чолгу йуллари охангларга бой, тез таъсир этадиган, куйлардан тузилган. Навонинг чолгу кисмида усуллар узгарсада, бирин-кетин келгани учун бир-бирига богликликни кузатиш мумкин. Наво мақоми асосида катор чолгу куйлари, сурнай наво йуллари яратилган.

Наво мақомининг ашула булими биринчи гурух шўъбалари Сарахбор, Талкин, учта Наср ва битта Уфар кисмларидан таркиб топган. Биринчи гурух шўъбалар - Сарахбори Наво, Талкини Баёт, Наср шўъбалари - Наср Баёт, Орази Наво, Хусайний Наво деб номланади ва узларининг тонларига эга. Уларнинг биринчиси Савти Наво, Наво оханглари таъсирида юзага келган. Чапандоз дойра усулида ижро этилгани учун «Чапандози наво» деб ҳам номланади. Устоз Юнус Ражабий «Савти» дойра усулини кушиб, куй йулининг барча

харакатларини саклаб қолиб, ашула йулини юзага келтирди. Натижада Савти Наво тулдирилиб, унинг олти қисмли шакли юзага келди. Савти Навонинг бош ашула йули ижро этилгандан сунг ижро этилади. «Чапандози Савти Наво» ва унинг Талкинчаси, Қашқарчаси, Савти Навонинг машхурлиги шундаки, шу асосда барча ижроларда севиб ай- тиладиган «Авжи Турк» юзага келган.

Наво мақомининг иккинчи гуруҳга кирган машхур шўъбаларидан бири Мугулчаи Наво деб номланади ҳамда Талкинча ва Қашқарча ашула йуллари мавжуд бўлиб, туркум сифатида ижро этилади. Наво мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбаларидан учинчиси Мустахзоди Наво деб номланади ва унда ҳам Талкинча, Қашқарча, Сокийнома ва Уфар қисмлари мавжуд. «Мустазод» шеҳр вазни ифодаси бўлиб, арабчада «орттирилган» маъно- сини англатади.

Мустахзоди Навонинг куй йулида ҳам шеҳр шаклидаги каби орттирилган куй булагии мавжуд бўлиб, хар бир куй жумласи кетидан уни яқунлаб борувчи кичик бир куй булагии кушилади.

Мустахзоди Навонинг биринчи хати - даромад, иккинчи хати - миёнхат, учинчи ва туртинчи хатлар Баёт намуди, бешинчи хати Наво намуди, охирги хати эса - туширим қисмлардан иборат. Мустахзоди Навонинг бош йули ижро этилгандан сунг унинг шахобчалари - Талкинчаси, Қашқарчаси, Сокийномаси, Уфори ўкилади.

Умуман олганда Наво йирик мақомлардан бўлиб, унинг оханглари асосида жуда куп куй ва ашула ҳамда сурнай йуллари яратилган. Бу асосда Фаргона, Тошкент, Тожики- стон вохаларида машхур булган баёт ижролари ва туркумлари яратилганлиги ва севиб ижро этилганлиги яккол мисол була олади. Баёт йуллари шу кадар кенг тарқалганки, унинг асосида куплаб вариантлар яратилган ва хозир ҳам изланишлар давом этмоқда. Бастакорлар бу асосда куй ва ашулалар яратмоқдалар. Шундан куринадики, Наво мақоми асосида келгусида ҳам куплаб мусикий асарлар яратилади.

НАВО МАҚОМИНИНГ ТУЗИЛИШИ

ЧОЛГУ БЎЛИМИ

1. Таснифи Наво
2. Таржеи Наво
3. Гардуни Наво
4. Нагмаи Орази Наво
5. Мухаммаси Наво
6. Мухаммаси Баёт
7. Мухаммаси Хусайний
8. Сақили Наво

АШУЛА БЎЛИМИ

Биринчи гуруҳ шўъбалари

1. Сарахбори Наво. Тарона 1,2
2. Талқини Баёт Тарона
3. Насри Баёт Тарона 1,2

Орази Наво Тарона 1,2,3

1. Хусайний Наво
2. Уфари Баёт. Супориш

Иккинчи гуруҳ шўъбалари:

1. Савти Наво шахобчалари:

Чапандози Савти Наво, Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар.

2. Муғилчайи Наво шахобчалари:

Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар.

3. Мустахзоди Наво шахобчалари:

Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфар.

1.2. Наво мақомининг ижрочилик услублари

Ўзбек Шашмақомининг учинчи бўлими “Наво муқоми. Кириш қисми (Муқаддимаси), мушкулот – чолғу бўлими билан бошланади. Унинг таркибига “Таснифи Наво”, “Таржъе Наво”, “Гардуни Наво”, “Нағмаи-орази Наво”, “Муҳаммаси Наво”, “Муҳаммаси Баёт”, “Муҳаммаси Хусайний”, “Соқили Наво”лар киради. Улар учга бўлинади:



1. “Тасниф”, “Таръжи” усули, ўлчови 2/4

Handwritten musical score for "Tasnif" in 2/4 time. The score consists of three staves. The first staff has a treble clef and a tempo marking "M.M. ♩ = 72". The second and third staves have a bass clef. The music is written in a traditional style with various note values and rests.

2. Муҳаммас, ўлчови 4/4, 16 такт.

Handwritten musical score for "Muxhammas" in 4/4 time. The score consists of six staves. The first staff has a treble clef and a tempo marking "M.M. ♩ = 120". The second through fifth staves have a bass clef. The sixth staff has a treble clef and is labeled "Бозғуя". The music is written in a traditional style with various note values and rests.

3. Сақил, ўлчови 2/2, 24 такт.



Мушкулот қисми “хона” ва “бозгўй”лардан иборат.

Ўзбек Шашмақомининг иккинчи бўлими – Наср, яъни ашула бўлими ҳисобланади. Бу бўлим 2 гуруҳ шўъбаларига бўлинади. Биринчи гуруҳ шўъбаларига “Сараҳбор” (ўлчови 2/2) ва унинг тароналари киради. Сўнг,

“Талқин” ва унинг тароналари киради. Шунингдек, “Ораз наво” ва “Хусайни Наво”лар ҳам шу шўъбага мансубдир.



Иккинчи гуруҳ шўъбаларга “Савти Наво” (ўлчови 5/4) ва унинг шахобчалари, яъни “Чапандоз”, “Талқинча”, “Қашқарча”, “Соқинома” ва “Уфор”лар киради.



“Муғулчай Наво” (ўлчови 5/4) ҳам “Талқинча”, “Қашқарча”, “Соқинома”, “Уфор” шахобчаларидан иборат.



Бундан сўнг “Мустаҳзоди Наво (ўлчови 3/8, 3/4) ва унинг шахобчалари киради (“Талқинча”, “Қашқарча”, “Соқинома”, “Уфор”)



Шунингдек “Наво” муқомига “Баёт”лар, “Баёт Шерозий”лар илова шаклида келтирилган.

II БОБ. ИЖРО ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАНЛАНГАН АСАРЛАРНИНГ ТАВСИФИ

2.1. Наво мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбалари ижро услублари

Наво мақомининг иккинчи гуруҳга кирган машхур шўъбаларидан бири Муғулчаи Наво деб номланади ҳамда Талқинча ва Қашқарча ашула йўллари мавжуд бўлиб, туркум сифатида ижро этилади. Наво мақомининг иккинчи гуруҳ шўъбаларидан учинчиси Мустахзоди Наво деб номланади ва унда ҳам Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар қисмлари мавжуд. «Мустазод» шеър вазни ифодаси бўлиб, арабчада «орттирилган» маъносини англатади.

Мустахзоди Навонинг куй йўлида ҳам шеър шаклидаги каби орттирилган куй бўлаги мавжуд бўлиб, ҳар бир куй жумласи кетидан уни яқунлаб борувчи кичик бир куй булаги кушилади.

Мустахзоди Навонинг биринчи хати - даромад, иккинчи хати - миёнхат, учинчи ва тўртинчи хатлар Баёт намуди, бешинчи хати Наво намуди, охири хати эса - туширим қисмлардан иборат. Мустахзоди Навонинг бош йўли ижро этилгандан сўнг унинг шахобчалари - Талқинчаси, Қашқарчаси, Соқийномаси, Уфори ўқилади.

II. МҮҒУЛЧАИ НАВО

М. М. $\text{♩} = 72$

МҮҒУЛЧАИ НАВО

1.

Мас-ти жо - ми васл э -

2.

тиб ав - вал ме-ни зор ай-лв-динг, сунг не

дин хиж-рон ху-мо - ри - га-гириф - торай - ла-

III.

динг. Сендину - ми-дим бу эр - мас эр-диким,

2.

бе-до - ди-ла, хоти-рим о - шуф та-

III.1.

ю кунг - лумтабах - кор ай - ла-динг. Сал-са-

би - ли шаф - қа-тинг - дин иста-дим сар-шо - ри-

лиғ, бил-гачо - ни қах - ринг ў - ти - га-са-зо

IV

ворай - ла-динг.

1.

Кин и_ла хәр зул - ми_ким бор эр - ди

күр - гуз_динг ма_нга, зулм и_ла хәр кин - ки

мум - кин эр_ди_из хөр ай - ла_динг

1.

Юз у_юр динг дуст -

лиг - дин, душмәни жо_ним бу_либ, о_қи -

бат мен зо - ри_ға аҗқ рас_ми_ләр бор ай ла_

динг. о о

э ё_рей о жо -

VI.1.

ни_мо Вақ_ти_дур Му_нис - ға

ёр ұл - сөнг кә_рам дин_ким, а -

2.

ни өс - ру_нис кин и_ла ди_

нгу ф8м хв8_лн_гв ер ай - ла -

1. динг ас - ру динг. 2. attacca

М. М. ♩ = 120
М. М. ♩ = 76

ТАЛҚИНЧАИ МҶҶУЛЧАИ НАВО

1. Эй, ла - то - фат суб - хи - лин

то - лъ ик - ки чўл - пон кў - зунг,

2. гәр - ди - ши дав - ри қа - мар -

да фит - на - яи дав - рон кў - зинг.

Ик - ки ё - дур қо - ши - да

пай - вас - та минг но - вак би - ла,

2. не а - жаб хар - бир на - зар -

ким тел - му - руб бок - са в - то -
 ан мус - та - хик, бир на - зар
 қил - мас ан - га тенг - ри у - чун
 эх - сон кў - зинг. *attassa*

М. М. ♩ = 108

ҚАШҚАРЧАИ МЎҒУЛЧАИ НАВО

Кет - ди ху - шум ул па - ри - вай
 жил - ва о - ғоз ай - ла - гач,
 2. ур - та - ди жон пар - да - син мут - риб на - во соз
 1. ай - ла - гач. 2. Тонг э - мас
 қил - са ю - зи маш - шо - та - ни бе - дас - ту по,
 2. ай - ла - ди о - йи - на - ни сув,

чех - ра пар - лоз ай - ла - гач.

III.1.
Лаб - ла - ри тук - ти та - бас - сум шаҳ - ди - дин о -

би ҳа - ёт, кўз - ла - ри юз

фит - на бар - по ай - ла - ди, ноз ай - ла - гач.

IV.
Ноз бир - ла

бо - фи - бо - ни сунъ - и бу гул - зор а - ро,

2.
саб - зу хуррам қил - ди сар - винг -

V.
ни сар - раф - роз ай - ла - гач.

1.
Фур - са - ти ум - ри ки - ро - ми

эт - га - нин рас - во кўнгул

2.
бил - ди, раф - лат уй - қу - си - дин кўз - ла - рин боз

вай - ла - гач о.
 VI. 1.
 Во - ми_ку Фар - хо - ду Маж_нун - дин му_қад - дам
 бил - ди ёр. Но - ди_ра иш -
 қи - ни о - шиқ - лик - да мум - тоз вай - ла - гач. аттасса

М. М. $\text{♩} = 112$

СОҚИЙНОМАИ МЎҒУЛЧАИ НАВО

1.
 Манга, эй шўх,
 қил лут - фу и_но - ят,
 2.
 ла бинг - дин бў - са_е, яъ - ни ка_ро -
 III.
 мат. Қи_лур ман о - ху аф
 2.
 ғо - ну на_во - лар, е_та ол - май
 ви_со - линг - га да_во - мат

1.а.
Қи_лур - мен о - ху вф - - - - - фо - ну на_во - лар,

е_та ол - май ви_со - - - - -

линг - га да_во - мят.

III.
Бу сў - зим_га қа_раб, жо - но, в_мал

қил, А_гар - да бул - са сан - да

чин му_хаб - бат. IV.

1.
Гу_но - хим не э_ди? Де, эй па_ри -

ваш, ме_нийг ҳақ - қим - да қил

гунг_дур а_до - ват V.1.
А_ваз - қим о -

ши_ки 2. зо_ринг бѹ_либ_дур, 1.
 вн_гв қил_рил ви_сол ич_ра му_рув_ват,
 ич_ра му_рув_ват. attacca

УФАРИ МҮҒУЛЧАИ НАВО
 М. М. ♩ = 72-78

Ғам кет_са не_тонг

бо_ши_ма дил_дор е_туш_гач ким, 2.

со_я қо_чвр нур ба_як_бор е_туш_

гач. Ш1. Ко_

мим не_э_рур о_би_ха_е_ту не_Мв_си_

хо_е_рея ул_ган ба_да_ним 2.

рух то_пар ер е_туш_гач. 1. Ул_

2. III

гач.

1.

Рашк у - ти - га пар -

во - на - дек ур - тар ме - ни гай - рат,

2.

Ул шамъ рух ат -

IV 1.

ро - фи - га аръ - ёр е - туш - гач жо -

ним - ни - ки дав - рон га - ми ол - гу - си - дур, эт -

2.

сам, е - рей, эй кош, фи - до

е - ри си - там - кор е - туш - гач.

V.

1.

О - ё на та - раб юз бе - рур ул

е - ри ха - зин - га,

2.
КИМ ЯЪС ЧО-ГИ БО - ШИ-ГА ДИЛ -
VI.
дор е - туш - гач.

1.
Из - хо - ри ху - нар
вай - ла - ма хар сиф - ла - га, ам - мо,
2.
а - шур - ма ма - то -
инг - ни ха - ри - дор е - туш - гач
о о о
VII 1.
ер е - рея. Му - нис фу - ка - ро
сух - ба - ти - дур ро - би - та - и фаяз, е -
2.
рея гул - шан бу - лур ул фая - зи - га хар
1. 2.
хор е - туш - гач, гул гач. **attacca**

2.2. Шашмақомнинг ашула ва чолғу бўлимлари ижрочилик хусусиятлари

Мақомот тизимининг ривожланиш тарихини шартли равишда иккки босқичга ажратиш мумкин. Биринчиси — номинал, яъни номи, таърифи, тафсифи бор, лекин садоланиши, оҳанги бизга мавхум бўлган жонсиз, бошқача қилиб айтганда, “номи бору, ўзи маълумотлардир. Иккинчиси - нота ёзувларига битилган, садолари оханграбо тасмаларига туширилган ёки бугунги кунда ҳам жонли анъаналар тарзида яшаб келаётган куй ва ашулаларни назарда тутати. Анъаналарнинг мазкур “жонли” ва “жонсиз” қатламлари орасида узвий боғланиш мавжуд, албатта. Аммо илмий мулоҳаза юритишда, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос томонларини инобатга олишга тўғри келади.

Масалан, “Бухоро Шашмақоми” деган тушунчани олиб курайлик. Унинг асл макони Бухоро, айнан Бухоро маданий мухити, бу азим шаҳарнинг кўп тилли ва кўп элатли шароити, куй ва оҳанглариининг шеvasи, азалдан келаётган ижрочилик услублари, урф бўлган чолғу созлари Шашмақомнинг жозибаси бетакрор жилоларининг шаклланишига салмоқли таъсир кўрсатган. Шашмақомнинг умумий гамой илл ари Хоразмда ҳам кдрор топган. Аммо Хоразм мақомдари Бухоро Шашмақомининг кўчирмаси эмас, асло. Мақом андозалари Хоразмда бошқача бўёклар билан безалганлиги, бу диёр оҳанглари билан суғорилганлиги дастлабки зшитишданок; яққол сезилиб туради. Бухоро ва Хоразм мақомлари ҳар бирининг салохияти ўзига яраша.

Улар қадимий мақом йўллари, доира(муодил)лари, усул ва шакл андозалари асосида таркиб топиб, ушбу воҳа созандаларининг офтоб кўри билан суғорилган мустақил куй ва ашулаларга айланиб келган.

Шашмақомнинг Ўзбекистон ва Тожикистонда юзага келган янги шакллари ҳам шу умумий илдизларга бориб тақалади. Уларнинг шаклу шамойиллари бугунги кун шароитларига мослаштирилган, оҳанг ва усуллари замонавий куй ва ашулалар руҳи билан тўлдирилгаи. Эндиликда айнан шу замонабоп ижро вариантлари кўпроқ маъмул ва манзур бўлмоқда. Шуларга биноан, деярли бир аср мобайнида мақомотнинг замон ва макон нуқтаи

назаридан турлича кўринишларда намоён булаётганини кузатишимиз мумкин. Энг муҳими, янги удумларнинг жорий этилиши, олдинги анъаналарни инкор этмайди. Аксинча, мақомларнинг хилма-хиллиги, бир-бирини бойитиши уларнинг табиий ривожланиши учун шароит яратиб беради.

Тўхтовсиз янгиланиш жараёнидан келиб чиққан холда, мақомларнинг нота ёзувлари, оханграбо тасмалари ва жонли анъаналари орқали бизга маълум бўлган намуналарини бир бутун мақомот тизими сифатида кўриб чиқишни мақсад қилиб, уларнинг қуйидаги муайян тарихий шаклларини белгиладик: Бухоро Шашмақоми; Хоразм мақомлари; Фарғона-Тошкент мақомлари: Шашмақомнинг Тошкент ва Душанбеда жорий этилган янги услублари. Ўз навбатида, Фарғона-Тошкент мақомлари тарихан икки оқимда ривожланиб келган: дунёвий тарздаги “мақом йўллари” ҳамда илохий мавзулар билан боғлиқ “зикр мақомлари”. Умумий кўриниши ва туркумларга бўлиниши жиҳатидан Бухоро ва Хоразм мақомлари бир-бирига яқин туради. Фарғона-Тошкент мақомларининг йўналиши орасида ҳам узвий алоқалар мавжуд. Тилга олинган мақом турлари, жумладан, замонавий кўринишларнинг ҳар қайсисида, бир томондан, уларнинг мустақил йўналиш, иккинчи тарафдан, умумий негизларга бориб тақалувчи ягона тизим эканлиги маълум бўлади. Ана шу умумий тамойиллар ва ўзига хосликлар (усул ва шакл) муносабатларини кўрсатиш иккинчи “мақомот асослари” қисмининг асосий мақсадидир.

Ҳажми нисбатан катта бўлмаган учинчи бўлим шеърят мавзусига бағишланган. Одатда ҳозирги қадар мақом санъатида шеърятнинг ўрни, назм ва наво муносабатлари, мусиқий ва шеърый вазнларнинг ўзаро туташуви масалаларига ўртаниш билан чекланиб келинган. Бу тадқиқотда эса мақом шеърятини ўзининг бадиий воситалари ва образлар дунёси тарафидан классик куйлар билан бевосита боғлиқ равишда шаклланган алоҳида бир қатлам сифатида кузатилади.

Мусиқа ва шеърят муносабатларини ўрганиш илмда янги мавзу эмас. Куй маънодан холи эмаслиги азалдан маълум. Бироқ, мусиқа тили сўз нутқидан бирмунча фарқ қилади. Куй - товушлар воситасида ифодаланган "сўзсиз

мушоҳада”, воқеликдан мустасно ҳис-туйғулар олами. Муסיқа оҳанглари маънони ўзига хос яширин, “пинҳоний тил” да изҳор этади. “Сўз тамом бўлган жойдан куй бошланади”, - дейилишининг маъноси ҳам шунда бўлса керак. Бу ўринда Иби Сино “куйнинг сўздан устунлиги, сузнинг жимликдан афзаллигига баробардир” деган ўхшатиш ишлатганлиги бежиз эмас. Муסיқанинг бундай хусусияти шеърят тагига, аниқроғи, нутқнинг шеърӣ жихатларига ўхшаб кетади. Айниқса, рамзий-мажозий маънолар билан тўлдирилган лирик шеърят муסיқага жуда яқин туради. Шунинг учун ҳам мақом куйлари мумтоз ғазалиёт билан муштарак бирликни ташкил этгандек бўлади.

Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган мақом анъаналарини кўздан кечирадиган бўлсак, унда шеър билан муסיқа шаклан ва мазмунан уйғунлашиб, бир бутун бадий асарга айланиб кетганини кузатилади. Айни чоғда муайян мақом йўлига бошқа сўз солиб айтиш, бир матнни иккинчисига алмаштириш одати ҳам мавжуд. Мавжуд ҳолат рус тилидаги айрим тадқиқотларда “контаминация” деб юритилади. Фикрамизча, бу ўринда “контаминация” (лотинчада “аралаштириш” дегани)дан кўра, анъанавий *манзума* (назмлаш) тушунчаси яхшироқ туюлади.

Шеърларни алмаштириш (манзума) ижрочилик тажрибасида бор нарса. Аммо қандай бўлмасин, мақом куйларининг руҳиятига мос тушадиган сўз матнлари танлаб келинган. Бунда нафақат уларнинг вазнлари тўғри келиши, шеърнинг оҳангдор ва равонлиги, балки, мазмунан муסיқӣ мавзуга қаратилганлиги ҳам инобатга олинган. Шунинг учун ҳам хофизларнинг дастурларта куй, оҳанг, чолгу асбоблари, мутриб ва мутанний каби мавзуларга оид шеърлар узоқ ўрнашиб қолганлиги бежиз эмас.

Бундан ташқари, Бухоро Шашмақомнинг эски асл матнларида ҳар бир мақом туркумга бағишланган шеърӣ лавҳалар сақланиб қолган. Улар шунчаки куйлаб айтадиган байтлар бўлмасдан, мазкур мақомнинг мазмуни билан бевосига боғлиқ махсус шеърӣ бағишловлар вазифасини ҳам бажаради. Ҳар бир туркумнинг ниҳоясида (охирги супоришида) айтиладиган малдчалар устозларнинг ўзлари ифодалаган мақомларнинг рамзий мазмунини англашда

муҳим аҳамият касб этади. Шуниси қизиқки, бундай матнлар бадиий услуб жиҳатдан ҳам мумтоз ғазалиётда учрайдиган эски мақомларнинг таърифларини эслатади. Хусусан, Шашмақомнинг ҳар битта туркумида айтиладиган ҳамма байтлари Нажмиддин Кавкабийнинг “Ун икки мақом ҳақида” деб номланувчи шеърий рисоласининг ўн икки мақом, олти овоз ва йигирма тўрт шўъба бадиий таъриф берувчи бошланиш қисмига жуда ўхшаб кетади. Умуман олганда, бу тоифадаги маълумотларни чуқурроқ ҳамда атрофлича ўрганиш, мақомот заминидаги шеърият ва мусиқа муносабатларини янада изчилроқ тадқиқ этиш учун яхши имкониятлар яратади.

Мақомот ижрочилигида қўлланиладиган чолғу созларнинг бевосита куй ва ашулалар билан боғланишини икки томонлама кузатиш мумкин. Бир тарафдан, чолғу созлар амалиёт инъикоси, асрлар давомида шаклланган мусикий тафаккур маҳсули бўлса, иккинчидан, ижро жараёнига бевосита таъсир ўтказувчи жуда муҳим омил сифатида намоён бўлади.

Мақомот таркибидаги куй ва ашулаларнинг икки асосий мезони мавжуд: парда ва усул. Мақом таснифида бу икки етакчи омил ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Мақомларнинг назарий асослари мазкур кўшалок негиздан келиб чиқади ва ундаги барча қисмлар ҳам айнан шу парда (мақом) ва усул номларини қўшиб айтиш билан юритилади. Масалан, “Таснифи Бузрук”, “Сарахбори Наво”, “Мухаммаси Ушшоқ”, “Талқини Рост”. Уларнинг биринчиси усул ва иккинчиси парда(куй)нинг номларидир. Бошқача қилиб айтганда, мақомлар тарихида шаклланган, муайян анъаналар замирида қарор топган классик (мумтоз) куй ва усуллар тизимидир. Шунга кўра, мақом ижрочилигида иккита асбоб – доира ва танбур етакчи чолғу сифатида гавдаланади. Доира – мақом чолғучилигининг барча эски ва янги услубларига хос асбоб. Унда мақомларнинг нафақат усул жўрлиги, балки куй ҳаракатининг асосини ташкил этувчи вазн ўлчовлари ҳамда ийкоъ бирликларининг энг нозик томонлари ва туб хусусиятлари акс эттирилалди. Мақом куйларининг доирадан бошқа зарбли чолғуларда жўр этилиши ғайритабиий анъаналарга ёт ҳолат сифатида қабул қилинади. Танбур эса умуман олганда мақомот рамзи. Шунинг

учун том маънодаги мақом йўллари, классик мусикамизнинг бошқа турларидан фаркли ўларок, баъзан “танбур мақомлари” деб ҳам юритилади.

Устозлар йўли – мақом санъатининг комуси. Ижрочининг умри анъаналар ҳаётига нисбатан қисқа. Аммо айнан шу устоз-шогирд измидаги давомийлик, ворисийлик анъаналар узлуксизлигини, бир бутунлигини таъминлайди. Устозлар мероси икки-уч наслга ўтиб, маълум бир мактабни ташкил қилади. Жонли анъана устоз йўлининг шогирд томонидан айнан такрорланишини ёқтиради. Ҳар бир янги насл ўзидан ниманидир қўшиб, устоз йўлини обод этиши тақозо қилинади. Шу тариқа доимий янгиланиш – анъанавий санъатдаги яшаш қонуни юзага келади. Анъана – бу мавжуд нарсаларни шунчаки такрорлаш эмас, балки ўтмиш меросни чуқур ҳазм қилиб, қайтадан дунёга келтириш, унга янги ҳаёт бахш этишдир. Шунинг учун халқ назари тушган устозлар ижодини мутолаа қилиш қадимий мақом анъаналарини уларнинг жонли бўлишлари мисолида ўрганиш имкониятини беради.

Шашмақом тизимида кирган ҳар бир мақомнинг чолғу бўлими ижро этилганидан кейин унинг ашула бўлимига ўтилади. Мақомларнинг ашула бўлимида, юқорида айтилганидек, бир нечадан шўъбалар мавжуд. Ашула бўлимининг иккинчи қисмига кирган шуъбалар гуруҳига – Савт – Муғилчалар ва турли мақомларнинг ўзига хос бўлган баъзи ашула йўллари киради. Иккинчи қисмига кирган шуъбаларнинг: талқинча, қашқарча, соқинома ва уфар деб аталадиган шохобчалари бўлиб, Савт ва Мўғилча кабилар ўзининг шу шохобчалади билан биринкетин яхлит ижро этилади. Биринчи ва иккинчи қисмни ташкил этган шўъбалар, дастлаб, ўзининг таркибига кирган шохобчалари (тарона ёки талқинча, қашқарча ва бошқалари) билан фарқланади. Уларнинг яна бир хусусияти шуки, биринчи қисмга кирган шўъбалар гуруҳи биринкетин яхлит ижро этилиб келинган бўлса иккинчи қисмга кирган Савт, Мўғилчалар ўз шохобчалари билан бирга алоҳида-алоҳида айтилиб келинган, яъни Савтнинг кетидан Муғилчалар ижро этилмайди. Савт, Муғилча каби шўъбалар эса Шашмақом шакллангандан кейин яратилган. Амир Насруллохон даври (XIX аср ўрталари)да кўчирилган ва Шашмақомга айтилган шеърларни

ўз ичига олган тўпламда Савт номи учраса ҳам Муғилча номи келтирилмаган. Шу билан бирга, Савтнинг шохобчалари шеър матнлари ҳам берилмайди. Бундан ўша даврларда Муғилча ва иккинчи қисмга кирган бошқа номлар билан аталувчи шўъбаларнинг шохобчалари бўлмаган эди, деган фикрга келиши мумкин.

Ҳар бир мақомнинг ашула бўлими Сарахбор деб аталадиган шўъбалар билан бошланади. Сарахбор икки сўздан тузилган бўлиб “сар” – тожикча бош, бошланиш, “ахбор” арабча хабар сўзнинг кўплигидир. Улар Шашмақомда турли мақомлар номи билан кўшилиб Сарахбори Бузрук, Сарахбори Рост, Сарахбори Наво, Сарахбори Дугоҳ, Сарахбори Сегоҳ ва Сарахбори Ироқ деб номланади. Сарахборларнинг такт, ритм ўлчови 2/4 (икки чорак) бўлиб, доира усули икки хил ижро этилади.



Бузрук, Рост, Наво ва Дугоҳ мақомларни Сарахборлари шу доира усулларининг биринчи тури. Сегоҳ ва Ироқ мақомининг иккинчи тури жўрлигида ижро этилади.

Сарахборларнинг доира усул суръати вазмин бўлиб, уларнинг ижро этиш жуда ҳам қийндир. Шунинг учун ҳам уларнинг ижро этувчи ҳофизнинг овоз диапазони кенг, нафаси узун ҳамда чарчаб қолмайдиган бўлиши керак. Сарахборларда Шашмақомдаги бошқа шўъбалар сингари бир нечтадан намудлар учрайди.

Жумладан Сарахбори Бузрукда Намуди Уззол, ва Намуди Мухаяри Чоргоҳ, Сарахбори Дугоҳда Зебо пари ва Намуди Мухаяри Чоргоҳ учрайди.

Сарахборлар ижроси ва уларни ўрганиш оғир бўлгани учун устозлар мақомларнинг бошқа шўъбаларини ўргатиб, кейин Сарахборларга ўтганлар.


Иккинчи қисмга кирган шўъбалар орасида савтлар ҳар бир мақомда қуйидагича номланади. Бузрук мақомида – “Савти Сарвиноз”, Ростда – Савти

Ушшоқ, Савти Сабо, Савти Калон, Навода – Савти Наво, Дугоҳда – Савти Чоргоҳ дейилади. Улар Сегоҳ ва Ироқ мақомида учрамайди.


Савт арабча сўз бўлиб “товуш”, “оҳанг” ва “муסיқа товуши” маъноларида келади. Савти Наводан бошқа Савтларнинг такт-ритм улчови беш чорак 5/4 бўлиб доира усули қўйидагичадир:



Савти Наво эса Талқин доира усулидир.




Мақомлар ашула бўлимнинг иккинчи қисм гуруҳига кирган йирик шўъбалар орасида Муғилча номи билан машҳур бўлган ашула йўллари ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Муғилчалар ўзининг куйкиёфаси ва характери жихатидан Савтларга ўхшайди. Уларнинг доира усули ҳам Савтлардаги каби, такт-ритм улчови ҳам доира усули қўйидагичадир.



Муғилчалар Рост ва Ироқ мақомида учрамайди. Муғилчаи Навода Навонинг юқори пардаларидаги кўриниши, баъзан эса Намуди Ораз келади. Муғилчаи Наво Уфариси бошқа муғилчаларидагидан тубдан фарқ қилади. У одатда ўзидан олдин келган ашула йўлларининг изидан юрмай, асосий пардага нисбатан олти парда, яъни секста даражасида баланд пардадан бошланади ва бошқа Муғилча шахобчалари бўйсунган умумий қоидадан четга чиқаяди.

Дастлаб, ҳар бир мақомда мавжуд бўлган, бир хил ном билан ифодаланувчи чолғу йўллари билан қисқача танишиб чиқамиз. Улар Тасниф, Таржеъ, Гардун, Мухаммас, Сақил ва бошқа номлар билан аталади. Тасниф – арабча бўлиб, “яратилган асар”, куй демакдир. Бу ерда мақомларнинг чолғу бўлимидаги бош асар маъноси ҳам бор. Улар Таснифи Бузрук, Таснифи Рост, Таснифи Наво, Таснифи Дугоҳ, Таснифи Сегоҳ, Таснифи Ироқ номлари билан аталади. Таснифнинг такт-ритм ўлчови 2/4, ўрнига қараб 4/4 бўлиб, улар мақомларидан куй ҳаракати жараёнида ўзгармайди.

Бузрук Наво мақомларининг Таснифларида доира усули асосан 4/4 ёки 2/4 тактли бўлиб нота ёзувида шундай ифодаланади:



Шашмақомнинг чолғу бўлимидаги қисмлардан яна бири Гардун, деб аталади. Гардун – осмон гардиши, айланаётган тақдир маъноларида келади.

Муסיқа истилоҳида эса Гардун – маълум доира усулининг ҳамда шу усул жўрлигида муаян лад (мақом)га мувофиқ равишда ижро этиладиган куй ёки ашуланинг номидир. Гардуннинг такт-ритм ўлчови жуда мураккаб 8/4 (2/4+3/4+3/4) доира усули эса кўйидагичадир.



Гардун чолғу йўллари Ироқдан бошқа ҳамма мақомларда мавжуд.


Шашмақомнинг чолғу бўлимида энг кўп учрайдиган қисмлардан бири Мухаммасдир. Улар: Бузрук мақомида Мухаммаси Бузрук, Мухаммаси Насруллои Рост мақомида – Мухаммаси Рост, Мухаммаси Ушшоқ, Мухаммаси канжгоҳ, Наво мақомида – Мухаммаси Хусайний, Мухаммаси Наво, Мухаммаси Баёт. Дугоҳда – Мухаммаси Дугоҳ, Мухаммаси Чоргоҳ, Мухаммаси Хожихўжа, Мухаммаси ЧорСархона.

Сегоҳда – Мухаммаси Сегоҳ, Мухаммаси Бастанигор. Ироқда – Мухаммаси Ироқ номи билан аталади. Мухаммасларнинг такт-ритм ўлчови 2/4 ёки 4/4 бўлиб, доира усули эса ҳаддан ташқари узун, яъни 2/4 бўлганда 16 такт, 4/4 бўлса 8 тактни ташкил этади.



Шашмақомнинг чолғу бўлимларида бир хил номли қисмлари, асосан шулардан иборат. Булардан ташқари баъзи мақомларнинг ўзигагина хос бўлган бошқа номлар билан аталувчи чолғу йўллари ҳам бор. Улар Наво мақомида Нағмайи Ораз, Дугоҳда Пешрави Дугоҳ, Самойи Дугоҳ, Сегоҳда Ҳафифи Сегоҳ номлари билан аталади.

Ҳафиф – енгил маъносида бўлиб доира усули ва аруз вазнида маълум тuroк ўлчовининг ифодасидир. Демак, Ҳафифи Сегоҳ шу номли доира усулидаги куй йўлларидадир. Унинг доира усули саккиз тактли бўлиб, бозгуй хоналар хажмига тенг. Ҳафифни такт-ритм ўлчови 2/4.



ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ашула ижрочилиги – рухий ва жисмоний ҳолатни ҳаракатлантирувчи муסיқий тасаввур. Овознинг эшитилиши овозни характлантирувчи аппаратини ўзига хос хусусияти, муסיқий қиёфаси ва кўриниши билан боғланиб бориши керак. Вокал малака, кўникмасини ҳосил қилишда, кўз олдига овозни қандай бўлишини гавдалантириб, аниқ тасаввур қилиб, талаб қилинган муסיқий вазифани бажаришга жавоб бера оладиган овозда акс эттирмақ керак. Бунинг учун муסיқий ривожланиш вокал ривожидан олдин юриши лозим. Муסיқа билан жонли алоқада бўлиш, муסיқа тилини тушунишнинг энг яхши имкониятидир. Муסיқа ташки ва ички дунёсида рўй берадиган ходиса маъносини билдирсагина муסיқавий тилга айланади. Техникани ривожлантиришда ўқувчига тушунарли бўлган, ўқувчини кўлидан келадиган оддий муסיқий материалдан бошлаш керак. Вокал техникасини муסיқий овознинг жонлилиги, маънолилигига эришмасдан алоҳида олиб бориш ижрони ўлик қилиб қўяди.

Катта, етук санъаткорда муסיқий фикрлашни юқорилиги сабабли унинг бой санъатига яраша ифода воситалари имконияти, жонлилиги юқори талабларга жавоб беради ва муסיқий кўриниш жараёни янада чуқурлашиб, шу билан бирга техник имкониятларини мукаммаллаштирилиши унда ҳеч қачон тўхтамайди. Ўқитувчининг асосий мақсади тўғри овозни ташкил қилиб ва тарбиялаб юксак даражага етказиш. Ўқувчи овозни тўғри бошқариш билан бирга белгиланган аниқ муסיқий вазифани бажариши ва ифодали тасвирлаб бериши лозим. Ўқувчи ижро этишни бажариш билан бир вақтни ўзида ижро этиш аппаратини юзага келтириб боради. Вокал кўникмаларини пайдо бўлишида муסיқий-ижрочилик, артитслик вазифасини аҳамияти шунчалик зарурки, буни биз алоҳида белгилаб қўйишимиз шарт ва уни эсдан чиқармаслигимиз керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълимнинг сифати ва самарадорлигини

оширишда, ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг дунёқараши ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш билан бир қаторда, уларни эстетик, ахлоқий тарбиялаш тизимини шакллантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқимиз мустақилликка эришгач, миллий кадриятларни ўрганиш, асраш ҳамда ёшлар онгига анъаналаримиз ва миллий меросимизни сингдиришга кенг имкониятлар яратилган бугунги кунда Хоразм мақомлари намуналари, яъни, халфа ва дoston қўшиқларидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

“Куй, оҳанг – инсон руҳидаги илоҳий кайфият ифодаси. Мусиқий асарнинг ғояси, тасавури дастлаб хаёлда пайдо бўлиб, сўнгра ижро туфайли садоланиш йўли билан жонланади, муайян куй шаклига айланади. Таъсирли товуш, оҳанг эшитувчи қалбида из қолдиради, завқ уйғотади ва шу лаззатли холатга қайтадан интилишга даъват этади”.⁵

Мумтоз мусиқа хазинамиз, мақомлар халқимиз ўртасида профессионал ва хаваскор созандалар, мақомчилар ижроларида доимо янграб, устозлардан-шогирдларга, асрлардан-асрларга ўтиб, мукаммаллашиб, бойитилиб, бизнинг давримизгача яшаб келди ва халқимизнинг бебаҳо мулкига айланди.

Мақомларимиз Марказий Осиё мусиқа маданиятининг юзага келишида, шаклланишида асосий манба вазифасини ўтади десак муболаға бўлмайдди. Чунки унинг ноёб оҳанглари, дилкаш наволари ва чуқур мазмунли шеърий матнлари инсон руҳиятига озуқа берувчи манба эканлигини таъкидлаш мумкин.

Мақомчилик санъати ўрта асрлардан яқин ва ўрта шарқ халқларининг мусиқа маданиятида етакчи ўринни эгаллаб келган. Мақомлар – мумтоз шеърият ва профессионал даражадаги ижрочилик услубларини ривожига асосида шаклланган бастакорлик маҳсулидир.

“Мақомларнинг назарий ва амалий томонлари бор. Уларнинг назарий жиҳалари Шарқ мусиқасига бағишланган рисолаларда ўз ифодасини топган. Ўзбек-тожик халқларидаги мақомларнинг амалий томонларини эса, устоз созанда ва хонандадан шогирдга оғзаки ўтиб, бизгача етиб келган мақомлар

⁵ Отаназар Матёкубов, Мақомот, “Мусиқа” нашриёти, Тошкент-2004, 14-бет.

туркумидаги бирдан-бир жанр – шашмақом кўринишида тасаввур этиш мумкин.

Шашмақом икки юз элликка яқин куй ва ашулалардан иборат ҳамда ўзбек-тожик халқлари мусиқа меъросининг асосий қисмини ташкил этади”⁶.

Шашмақом Ўрта Осиёда яшаб келган мақом туркумларининг энг сўнгги шаклидир ва бундан тахминан икки аср илгари (XVIII аср) шаклланган.

Бу мақом туркуми чолғу ва ашула йўлларида миллий мусиқанинг бой оҳанглари, ритмик хусусиятлари, доира усуллари, куйларга шеър матнларини мослаб тушира билиш қоидалари билан боғлиқ қатор жиҳатлар мужассамланган.

Шашмақомнинг чолғу ҳамда ашула бўлимига кирган куй ва ашула йўллари йирик шаклдаги мураккаб асарлар бўлиб, уларни тингловчига тўғри етиб бориши, завқ-шавқ бағишлай олиши ижронинг сифатига боғлиқ.

Анъанавий хонандалик машғулотларида Ўзбек халқ мақомлари, қўшиқлари орқали таълим олувчиларни ижро маҳоратларини ошириш ҳамда эстетик тарбиялаш муаммоси ҳозирги кунда ниҳоятда долзарбдир. Ўзбек халқ мақомлари намуналари ва қўшиқлари воситасида таълим олувчиларни ижро маҳоратини шакллантириш ва эстетик тарбиялашда анъанавий хонандалик машғулотларининг имкониятлари катта. Зеро, Ўзбек халқ мақомлари ва қўшиқларида халқнинг орзу-умидлари, ҳис-туйғулари, шунингдек, қахрамонлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби ижобий сифатлари улуғланади. Бу эса халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналари билан бевосита боғлиқ.

Анъанавий хонандалик машғулотлари, ўқув дастурлари ва дарсликларига ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиб Ўзбек халқ мақомлари, қўшиқлари киритилса, устозлар услублари турли воситалар ёрдамида ўқувчилар онгига сингдирилса, самарали натижа беришини яққол кўрсатди.

⁶ Исҳоқ Ражабов. Мақомлар. “San’at” нашриёти, Т., 2006, 11-бет.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.
2. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар: 7 – жилд. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - 413 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХИ асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999. - 48 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Баркамол авлод орзуси. -Т.: Шарқ, 1999.- 54-55 б.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000. – 109 б.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.- 167 б.
7. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: Ўқитувчи, 1998. – 56 б.
8. Бегматов С. ва бошқалар. Муסיқа маданияти: 6 – синф учун дарслик. - Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2001. – 144 б.
9. Гафурбеков Т.Б. Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. –Т.: Ўқитувчи, 1984. – 128 с.
10. Жабборов А.Ҳ. Ўзбекистон бастакорлари ва муסיқашунослари.–Т., 2004.-238 б.
11. Ю.Ражабий “Муסיқа меросимизга бир назар” Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент-1978.
12. Ю.Ражабий “Ўзбек мақомлари Шашмақом”, Тошкент-2007.
13. М.Ахмедов “Юнус Ражабий” Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент-1980
14. И.Ражабов. “Мақомлар”, “Санъат” нашриёти, Тошкент-2006
15. “Шашмақом сабоқлари”, мақола ва маърузалар тўплами, Тошкент-2005.

16. “Шашмақом” I-VI жилдлар. Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент-1975.
17. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. –Т.: Ўқитувчи, 1994.- 320 б.
18. Иброҳимов О. ва б. Муסיқа: 4–синф учун дарслик.- Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2003.- 110 б.
19. Иброҳимов О., Садиров Ж. Муסיқа: 7–синф учун дарслик. – Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2001. – 244 б.
20. Мансуров А., Каримова Д. Муסיқа маданияти: 5-синф учун дарслик. – Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 2001. – 130 б
21. Матёқубов Б. Хоразм достон ижрочиларининг зарҳал саҳифалари. – Хоразм, 1999. – 51 б.
22. Матякубов Б. Музыкальные особенности Хорезмских дастанов: Автореф. ... канд. искусствоведения. –Т., 1996.- 23 с.
23. Муסיқа психологияси. –Т.: Муסיқа, 2005. – 78 б.
24. Ортиқов Н. Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ўқувчи шахсини ахлоқий шакллантириш. Пед. фанл. докт. ... дисс. -Т., 2000. – 305 б.
25. А. Жабборов. Ўзбек бастакор ва муסיқашунослари. Тошкент.2004.
26. Ю.Ражабий. И. Акбаров. Ўзбек халқ муסיқаси тарихи, (Ўқитувчи). 1981 йил.
27. И. Ражабов “Мақомлар масаласига доир” Тошкент-1969 й.
28. О. Матёқубов “Мақомот”, “Муסיқа”нашриёти. Тошкент-2004 й.
29. И. Ражабов “Мақомлар”, “Санъат” нашриёти Тошкент-2006 й.
30. Ю. Ражабий “Муסיқа меросимизга бир назар” Тошкент-1978 й.